

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
ТҮПЛАМИ**

2021 йил 26-27 март



Бухоро

ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “БАХТИҚАРО КЕРРИ” АСАРИДАГИ ТАКРОРЛАР ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ МАТНДА БАЖАРГАН ВАЗИФАЛАРИ

Улугбек Очилов Сайфуллоевич.
БухДУ, ўқитувчи

Кириш. Американинг машхур ёзувчиларидан бири Теодор Драйзернинг (1871-1945) ҳаётдан кўз юмганига 80 йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, унинг асарлариға қизиқиш кундан кун кучайиб бормоқда. Ёзувчининг асарлари Америкача ҳаёт тарзи моҳиятини тушунишга ёрдам беради. 1900 йилда нашр этирилган “Бахтиқаро Керри” (“Sister Carrie”) романи унинг худди шундай ижод намуналаридан биридир.

Асосий қисм. Маълумки, ҳар қандай бадиий асардаги барча бадиий воситалар унинг асосий ғоясини очиб беришга хизмат қиласи. Адабиётшунос Уммат Тўйчиевнинг эътироф этишича, “Ташқи дунё ва ҳаёт – ғоя асоси. Ғоя турткининг хаёлда ишланиши, сўнг ғояга айланиши, ғоянинг эса мавзуни танлаши табиий ҳодисадир. Ғоясиз бадиийлик йўқдир. Ғоя ва мақсад муштаракдир [7, б.390.] ““Бахтиқаро Керри” Асарининг асосий ғояси Америкада барча учун баробар имкониятлар мавжуд, деган иллюзияни фош этишда кўринади. [1, б.305] Камбағал оиладан чиқсан қиз Керри артистлик орқали аҳволини ўнглаб олган бўлса-да, у бунга ахлоқий тубанлик натижасида эришади. Аслида Керри баҳтга ҳақиқий меҳнат, ҳақиқий санъат орқали эришмоқчи бўлади, аммо у яшаётган жамиятда ҳалол меҳнат орқали баҳтга эришиш амри маҳол эди. Керри обрў ва давлатга эришади, аммо баҳт тополмайди. Теодор Драйзер ўзининг “Бахтиқаро Керри” романи орқали “баҳт пулда эмас” деган фикрни олға суради.

Теодор Драйзер тилнинг барча имкониятларидан кенг ва унумли фойдалана олган ва бунинг натижасида асар жозибадорлигини, таъсирчанлигини оширишга эришган ёзувчилардан биридир. “Бахтиқаро Керри” асарини унда такрорларнинг қўлланиши жиҳатидан ўрганиб чиқишимиз жараёнида услубшунос И.Р.Гальперин кўрсатиб ўтган такрорларнинг барча турларини учратдик. [4, б.211-215]

Қуйидаги мисоллар орқали шу такрорлар ва уларнинг матнда бажарган вазифаларини аниқлашга ҳаракат қиласиз:

She wanted pleasure, she wanted position, and yet she was confused as to what these things might be.

Бу гап асарнинг бош қаҳрамони Керрининг ҳали ғўрлиги, кўп нарсани билишга муштоқлиги таъкидланган. Гап бошидаги такрор, яъни анафора орқали таъкид кучайтирилган. Анафора синтактик такрор, яъни параллелизм билан қўшилиб келган. Бунга ўхшаган ҳолларни Б.Саримсоқов ва Н.Хотамовлар “Синтактик бошланғич сўз такори гапдаги жумлаларнинг параллел тарзда мос келиши орқали тузилади”, - деб таърифлаганлар.[8,б. 25]

“Бахтиқаро Керри” асарини ўқир эканмиз, ёзувчи параллелизмлардан унумли фойдаланганлигиниг гувоҳи бўламиз. Параллелизм такрорнинг семанти-

синтактик турига киради ва матнда асосан бадий эмоционаллик вазифасини бажаради.

Күйидаги гапда Герструднинг жуда ҳам тушкун аҳволи, иш тополмаганлиги, аммо Керрининг уни мунтазам равишда иш қидиришга мажбур қилаётганлиги норозилик оҳангидан берилган.

"Look for work," he said to himself. "Look for work. She tells me to get out and look for work."

Ушбу гапдаги такрор орқали Ҳерструднинг норозилиги оҳангидан кучайтирилган.

Күйидаги мисолда эса боғловчи такрори дикқатни тортади.

Боғловчи такрори стилистикада polysindeton, яни кўпбоғловчилик деб аталади:

Tomorrow came and the next and the next.

Бу мисолдаги боғловчи такрори орқали ёзувчи, биринчидан, монотонлик, яъни бир маромлик ритмни яратган бўлса, иккинчидан Керри ва Ҳерструднинг ҳаётлари зерикарли ўтаётганини таъсирчан қилиб тасвирлайди.

Күйидаги мисолда anadyploses, яъни маълум бир иборанинг бир гап ёки синтагма охирида ва янаги гап ёки синтагма бошида такрорланиши кузатиляпти:

They were the lights of a certain circle – the circle of small fortunes and secret order distinctions.

Ушбу такрорнинг асосий вазифаси – эмфаза, яъни дикқат “the circle” сўзига тортиляпти.

Асарда занжирли такрор (chain repetition) ҳам учрайди:

The floor was of a reddish hue, waxed and polished, and in every direction were mirrors, mirrors tall brilliant level-edged reflecting and reflecting forms, faces and candelabra a score and a hundred times.

Бундай такрор воситасида муаллиф сўзлар маъносини кучайтиришга эришган.

Күйидаги кетма-кет такрор эмоционалликни кучайтирган:

Ah, money, money, money! What a thing it was to have .

Зоро Керри чўнтағидаги пулга қўли етди дегунча ўзини енгил сезарди. Аввалига оғир хаёлларга берилиб, сўнгра қўли пулга тегиб, барча ташвишлардан кутулгандай бўларди.

Асарда ўзак такрори ҳам учрайди. Масалан:

All those who had supposedly been her equals and superiors now smiled the smile of sociability, as much as to say, how friendly we have always been.

Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” асарида қўлланган такрорлар турли-туман бўлиб, муаллиф улардан персонажлар характери, яшаш тарзи, ишхоналардаги мұхитни тасвирлашда кенг фойдаланган. Масалан, қуйидаги мисолда Керрининг иш қидириб бир идорага киргани ва у ерда бекорчи одамларнинг юргани тасвирланган:

As Carrie entered she noticed several individuals lounging about—men who said nothing and did nothing.

Бу ўринда такрор ҳам хонадаги кишилар, ҳам Керрининг ҳолатини тасвирлашда қатнашяпти. Бу кишилар на бирон гап айтади, на бирон иш қилади. Бу эркаклар иш қидириб чарчаган, умидсизликка тушган. Керрига эса уларнинг эътиборсизлиги

ёқмаяпти. Муаллиф “nothing” сўзининг маъносини такрор воситасида кучайтириб шундай талқинга эришяпти.

Муаллиф бош қаҳрамоннинг ҳолатини тасвиrlашда ҳам такрорлардан моҳирона фойдаланган:

- *Carrie hastened away. She did not quarrel now with Hurstwood's idleness. She had a place! She had a place! This sang in her ears.*

Бунда “She had a place!” такорори орқали қашшоқлик ва бекорчилик жонига теккан Керри иш топганидан кейин қанчалик қувонгани эмоционал тарзда тасвиrlанган, яъни такрор бош қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини ўкувчига етказиша иштирок этган.

Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” романини ўқиши жараёнида муаллиф такрорларни персонажлар нутқида ҳам, муаллиф нутқида ҳам, (reported speech)да ҳам кенг қўллаганининг гувоҳи бўлдик

И.В.Арнольд “Сўз ёки сўз бирикмасининг бир гап, бир абзац ёки бир матн ичида қайталанишига лексик такрор дейилади.” – деб ёзади.[2, 6.125] Бунда матн деганда ажратиб олинган парча, ёки тўлиқ асар назарда тутилган.

“Бахтиқаро Керри” романини бу жиҳатдан ҳам таҳлил қилганимизда ҳар учала ҳолга ҳам мисоллар учради.

Табиийки, асарда гап ичидаи ва абзац ичидаи такрорлар кўпроқ, матн ичидаи, яъни каттароқ қисм ёки бутун асардаги такрор камроқ учрайди. Амма бутун асар давомида учрайдиган такрорларда таъкид кучлироқ бўлади. Масалан, романда “*the rocking-chair by the window*” сўз бирикмаси турли шаклларда турли жойларда бир неча марта такрорланган. (16, 32 ва 47-бобларда). Ушбу сўз бирикмаси, асосан, бош қаҳрамон Керрининг ҳолати билан боғлиқ бўлиб, унинг бирон нарсани ўйлаши, факрлаши керак бўлганда, бирон нарсадан ташвишда бўлиб, бирон нимани режалаштираётганда қўлланган.

Теодор Драйзер “Бахтиқаро Керри” асарида такрорларнинг барча турларидан фойдаланганини қуийдаги жадвалда кўриш мумкин (абзац ичидаи ва бутун асар матни ичидаи такрорлар, ҳажми катта бўлганлиги туфайли, жадвалга киритилмади):

| Т.р | Такрор тури | Асардан мисол | Матнда бажарган вазифаси |
|-----|------------------|--|--------------------------|
| 1. | анафора | <u>She wanted</u> pleasure, <u>she wanted</u> position, and yet she was confused as to what these things might be. | Таъкидни кучайтириш |
| 2. | эпифора | ...men who said <u>nothing</u> and did <u>nothing</u> | Монотонлик ритми |
| 3. | анадиплосис | They were the lights of a certain circle – <u>the circle</u> of small fortunes and secret order distinctions. | Эмфаза |
| 4. | Кетма-кет такрор | Aх, money, money, money! What a thing it was to have . | Таъсирчанликни ошириш |

| | | | |
|----|------------------------------------|---|--------------------------------------|
| 5. | Фрейминг | "Look for work," he said to himself "Look for work." | Персонаж ҳолати тасвирини кучайтириш |
| 6. | Ўзак такрор | All those who had supposedly been his equals and superiors now <u>smiled</u> the <u>smile</u> of sociability,... | Эмфаза |
| 7 | Занжирли такрор (chain repetition) | The floor was of a reddish hue, waxed and polished, and in every direction were <u>mirrors</u> , <u>mirrors</u> tall brilliant level-edged <u>reflecting</u> and <u>reflecting</u> forms, ... | Эмфаза |
| 8 | Синонимик такрор | He <u>looked at her steadily</u> for a moment, slowing his pace <u>fixing her with his eye</u> . | Таъсирчанликни ошириш |
| 9 | Полисиндетон (кўпбоғловчилик) | They shifted <u>and</u> blinked <u>and</u> muttered <u>now</u> a curse, <u>now</u> a comment | Монотонлик ритми |
| 10 | Боғловчили такрор | <u>All day and all day</u> , here he sat, reading his papers. | Маънони кучайтириш |

Хулоса. Хуллас, “Бахтиқаро Керри” романида Теодор Драйзер такрорнинг барча турларидан фойдаланган. Бу такрорлар, асосан, эмфаза учун, яъни эътиборни маълум сўз ва ибораларга қаратиш учун, маънони кучайтириш учун, таъкид ва таъсирчанликни ошириш учун, ритм яратиш учун қўлланган.

Адабиётлар:

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи.- Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Ленинград: Просвещение. 1973. –C.125
3. Dreiser Theodore. Sister Carrie. – Moscow: Higher school Publishing House.1968.
4. Galperin I.R. Stylistics. - Moscow: Higher School Publishing House, 1977.
5. Kathryn Van Spanskeren. Outline of American Literature. – USA, 1994.
6. Ruland R., Bradbury M. From Puritanism tu Postmodernism. A history of American Literature.- New York: Penguin Books, 1992. - P.101.
7. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
8. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979.

A.NAVOIY G'AZALLARINING FRANSUZ TILIDAGI TARJIMASIDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLER IFODASI

Sh.D. Xolova,
BuxDU 1-bosqich magistranti

| | |
|--|-------|
| Sattorova Sitora, Zaripova Sohiba. THE ANALYSIS OF METAPHORS IN “JANE EYRE” BY CHARLOTTE BRONTE | 38888 |
| Ubaydullayeva Feruza. APPRECIATING MOTHER TONGUE IN ALPHONSE DAUDET’S STORY | 39090 |
| Bakayeva Muhabbat, Radjabova Madina. ROY KESEYNING “KUTISH HIKOYASINING O’ZBEKCHA TARJIMASIDA ZAMON VA MAKON IFODASI...394 | |
| Каххорова Гулруҳ. ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТАРЖИМА ЛУҒАТЛАРИДА БЕРИЛИШИ..... | 399 |
| Nodira Rozikovna Kurbonova. ANALYSIS OF SETTING IN “EMMA” BY JANE AUSTEN | 403 |
| Qudratova Muborak. SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA ARBAIN AN`ANASI | 406 |
| Nasima Saidburxonovna Qodirova. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ТАҲЛИЛИДА..... | 409 |
| Очилов Нодирбек. Оскар Уайльднинг “Дориан Грей сурати” (“The Picture of Dorian Gray”) асарида эстетик оқим тамойиллари инъикоси | 413 |
| Хазратқулиён Дилшоди Фарходзот. SAMARQAND ADABIY MUHITIDA TOЛК YOSH AVLOD SHE’RIYATINING RIVOJLANISHI..... | 417 |
| Улуғбек Очилов. Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” асаридаги тақрорлар таснифи ва уларнинг матнда бажарган вазифалари | 419 |
| Sh.D. Xolova. A.NAVOIY G‘AZALLARINING FRANSUZ TILIDAGI TARJIMASIDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLER IFODASI..... | 422 |
| Зоирова Малика. ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМАТИКА В СОВРЕМЕННОЙ ПРОЗЕ (НА МАТЕРИАЛЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ М.БУТОВА «СВОБОДА» И М.ПАЛЕЙ «ЕВГЕША И АННУШКА») | 425 |
| Тагоева Ферузабону. СПЕЦИФИКА ПОСТМОДЕРНИЗМА В РОМАНЕ ВИКТОРА ПЕЛЕВИНА «ПОКОЛЕНИЕ П» («GENERATION П») | 431 |
| Сафарова Ҳилола Охунжоновна.ГУЛЛАРИНГНИ АЙЛАДИ ЧЎП ҚАРFA, БОЙҚУШ, ЗОҒ, ТИЛИМ...” | 334 |
| <i>Kasimova Rano Rakhatulloevna, Ziyadullayeva Aziza Akmalovna.</i> PROFESSIONAL SKILLS AND PSYCHOLOGY OF A TRANSLATOR..... | 438 |
| <i>Tashpulatova Visola Ismatullaevna.</i> Domestication and foreignization in translation..... | 441 |
| Махмудова Робиябону Фуркатовна. ПИСАТЕЛЬ, ПОСПЕВШИЙ БОЛЬ НАРОДА..... | 444 |
| <i>Ikramova Aziza Aminovna Davranova Gulbahor Numondjonovna.</i> INGLIZ ADABIYOTIDA YUJIN O’NIL VA UNING DRAMA YOZISH MAHORATI..... | 448 |
| <i>Islamova Dinara Azamatovna, Saydazzamova Chamangul Olimjon qizi.</i> Mahmud Koshg’ariyning “Devonu lug’otit turk” asaridagi maqollarning leksik-semantik xususiyatlari..... | 451 |
| <i>Sulaymonova Dilnoz Xamzayevna.</i> INGLIZ ROMANTIZM ADABIYOTIGA XOS XUSUSIYATLAR..... | 453 |
| Кодыров А.А. Нигматова Л.Х. ТИПЫ ЛЕКСИКО-ГРАММАТИЧЕСКИХ | |